

Тавба сураси 11 оят

17:45 / 05.06.2017 3960

مِ يَحْرُلْ لِمَنْ حَرَّلَهُ لَلْمَسْبِ

لِّصَفْنَوْنِيْدِلَا يِفْ مُمْكُنَاوْخِإِفَ ةَالْزَلَاوَاتِ ةَالصَّلَاوُمِاقَاوْاُوبَاتِنِإِفِ
نَوُمَلْعِيْمُوقَلَتَايَاَلَا

Тавба 11. Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўкис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар. Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз.

Улар яна такрор тўғри йўлга чақирилмоқдалар. Майли, шунчалик душманлик, адоват, жабр-ситам ўтказган бўлсалар ҳам, улардан ўч олиш ёки душманлик қилиш нияти йўқ.

«Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўкис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар».

Ўтган ишларни юзларига солиш йўқ. Фақат билсалар, бўлди. Биз

«Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз».